

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21 йил чиқиши.
№ 169 (5262).

29 август, 1974 йил

ПАЙШАНБА

Баҳоси 2 тийин

ГАЗЕТАМИЗ-
НИНГ БУГУНГИ
СОНИ ЎЗБЕКИ-
СТОН КОММУНИ-
СТИК ПАРТИЯСИ-
НИНГ 50 ЙИЛЛИ-
ГИГА БАҒИШЛА-
НАДИ.

ШОНЛИ ЭЛЛИК ЙИЛ

Бундан ярим аср муқаддам Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилди. СССР Иттифоқида бирлашган тенг ҳуқуқли республикалар қаторида 1924 йил октябрида Ўзбекистон ССРнинг вужудга келганлиги, Ўзбекистон Коммунистик партияси КПССнинг жанговар, содиқ отрядларидан бири сифатида расмийлашгани ўзбек халқининг ва республикадаги барча меҳнаткашларнинг тарихида жуда катта воқеадир, мамлакатимизда пролетар интернационалиزم принциплари тантанали қўлланганини, ленинча миллий сиёсат изчиллиги билан амалга оширилганлигини кўрсатувчи аққол далилдир.

РЕСПУБЛИКАМИЗ қарши олаётган олтин юбилей Ўзбекистон меҳнаткашларининггина эмас, балки буюк Совет Иттифоқи барча халқларининг ҳам катта ва қувончли байрамига айланади; социалистик миллатлар раънақи, Ватанимиздаги барча халқлар монолит бирлигининг жозибали намойиши бўлади.

Эллик йил деганимизда Ўзбекистон Компартиясига асос солинган ташкилий даврлар ва меҳнаткашларнинг революцион туғёнлари, синфий курашлар тақозоси билан партия ташкилотининг гоёвий чиништириши ва ташкилий жиҳатдан мустақимлаш билимлари, ленинчи партияимиз раҳнамолигида социалистик жамият куриш учун олиб берилган матонатли кураш, коммунизм қурилиши ажи олдириб юборилган ҳозирги босқиндаги сиёсий ақиллик, меҳнат кўтаринчилиги кўз олдимизга келади.

Ўзбекистон Компартиясининг сарнамаси бўлган дастлабки нолегал социал-демократик тўғрақлар Туркистонда 1905—1907 йиллар революцияси арафасида Тошкент, Самарқанд, Ашхобод ва бошқа шаҳарларда ташкил этилди. Уларда большевиклар ташкилотларининг камол топиши, бутун Россияда бўлганидек, В. И. Лениннинг ишчилар синфи марксистик революцион партиясини тузишга қаратилган мислсиз жўшқин фаолияти билан боғлиқдир. РСДРП II съездида ана шундай партиянинг тузилиши Туркистондаги социал-демократик тўғрақларнинг ҳам большевиклар ташкилотларига айлантириши жадаллаштирди. Улар социал-демократлар РСДРП II съезди қарорларини революцион ҳаракат дастури, деб қабул қилдилар ва шунга мувофиқ меҳнаткашларнинг озоқлик учун курашига амалий раҳбарлигини қўчайтирдилар.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ большевиклар ташкилотлар ва гуруҳлар, маҳаллий миллатларнинг илғор ишчилари 1905—1907 йиллардаги революция ва реакция йилларида буржуа ва майда буржуа партиялари, миллатчилар

га қарши кураш ҳамда халқ оmmasини Россиянинг революцион пролетариати атрофида жипслаштиришнинг жанговар мактабни ўқидилар. Реакция авж олган килларда Тошкент большевиклари РСДРП Марказий Комитети билан алоқа ўрнатдилар, ишчилар ўртасида «Правда» газетасини тарқатдилар.

Ўзбекистон большевиклар ташкилотлари, бутун Россияда бўлганидек, халқ оmmasини буржуазия ва помещикларга қарши, социалистик революция галабаси ҳамда пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун курашга олантирдилар. Туркистон большевиклари ўлкада Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва ўтказишда инқилобий оmmasининг ҳақиқий сиёсий йўлбошчилари эканлигини намойиш қилдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ўзбек халқини социал, иқтисодий ва миллий зулмдан озод қилди. Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, миллий масалани ленинча программа асосида ҳал этиш бўйича қўйилган дастлабки қадамлар ўлкада партияни ташкилий жиҳатдан расмийлаштириш учун шарт-шароит яратди.

ТОШКЕНТ большевиклар ташкилотининг ташаббуси билан 1918 йил июнида ўлка большевикларининг биринчи конференцияси чақирилди. Большевиклар ташкилотларини ҳам гоёвий, ҳам ташкилий жиҳатдан мустақимлашган бу конференция аслида тақсис съезди эди. У РКП(б)нинг таркибий қисми бўлган Туркистон Компартиясини тузди, яъни ташкилий жиҳатдан расмийлаштирди. Кейинчалик, 1918 йил октябрда Бухоро ва 1920 йил кўклайида Хоразм Компартиялари ташкил топди.

Лениннинг таклифи билан 1919 йил октябрда ўлкага Бутуниттифок Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича Комиссияси юборилди, 1920 йил ёзида эса РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон бюроси ташкил қилинади. Ана шу ташкилотлар составидаги содиқ ленинчилар Ш. З. Элиева, М. В. Фрунзе, Я. Э. Рудзутак, В. В. Куйбисhev, И. А. Зеленовский, Ф. И. Голлошечини ва бошқалар Туркистонда партия ташкилотларини мустақимлаш, уларнинг маҳаллий аҳоли орасида ишлаш формаларини ва методларини ишлаб чиқишда самарали фаолият кўрсатдилар.

В. И. ЛЕНИННИНГ 1919 йилда Туркистон коммунистларига қўллаган оташин мактуби партиянинг Шарқдаги жуда муҳим вазифаларини баён қилиб берган қимматли ҳужжат бўл-

ди. Шу мактубда буюк дохй Туркистон коммунистларининг диққат-эътиборини мустақимлаш ўтмишининг қондиқларини кескин равишда йўқотишга, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда меҳнаткашларнинг ҳар қандай тенгсизлигини тугатишга, маҳаллий туз аҳолини совет ва хўжалик қурилишига жалб этишга, мана шу асосда Совет Туркистони билан Совет Россияси халқлари ўртасида тула тенглик ва бузилимас дўстлик ўрнатишга қаратди.

СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1924 йил 27 октябрдаги II сессияси Туркистон, Хоразм ва Бухоро олий органларининг Ўрта Осиё территориясида миллий давлат чегараланиши ўтказиб, Ўзбекистон ССР, Туркистон ССР, бир қатор автоном республика ва областлар тузиш тўғрисидаги илтимосини қонуний расмийлаштирди. Шундай қилиб 1924 йил 27 октябр — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топган тарихий кун бўлиб қолди. Шу муносабат билан макбуот вақиллари билан қилган суҳбатда СССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси М. И. Калинин бундай деган эди: «Бизнинг Иттифоқимизда ўз республикасига бирлашган ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз хоҳишини изҳор қилиш учун кенг эркинлик эга. Биз ҳеч бир нарсани юқоридан туриб мажбур қилмаймиз. Миллий давлат чегараланиши масаласида ҳам шунини айтиш керак. Ўрта Осиё халқлари, уларнинг Совет ҳокимияти органлари ва партия ташкилотлари чегараланиш, мустақил миллий республикалар ташкил қилиш тўғрисида ўз хоҳишларини билдирдилар. Биз уларнинг бу хоҳишларига розилик билдирдик ва Марказий Ижроия Комитет сессиясида унга давлат қонун кучини бердик».

РКП(б) Марказий Комитетининг қарори билан 1924 йил 30 октябрда Ўзбекистон Компартияси ташкилий бюроси тузилди, Бюро республика коммунистларининг I съездини тайёрлашда актив ташкилотчилик кўрсатди. 1925 йил февралда Бухорода туپланган I съезд улуғ Ленин партиясининг жанговар отрядларидан бири — Ўзбекистон Коммунистик [большевиклар] партиясини расмийлаштирди.

(Давоми 2-бетда)



ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИДАГИ ВА БОШ-
ҚА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРИМИЗДАГИ
БАРЧА ПАРТИЯЛАР СИНГАРИ ЎЗБЕКИСТОН КОМ-
МУНИСТИК ПАРТИЯСИ ҲАМ КПССНИНГ КАТТА ВА
ЖАНГОВАР ОТРЯДИДИР... РЕСПУБЛИКА КОММУ-
НИСТЛАРИНИНГ ҚАРИЙБ ЯРИМ МИЛЛИОН КИШИ-
ЛИК АРМИЯСИ ПАРТИЯМИЗ ЛЕНИНЧИ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ СОДИҚ ТАЯНЧИ БЎЛИБ КЕЛДИ
ВА БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ
Л. И. БРЕЖНЕВ.



Қўш Ленин орденли Ўзбекистон ССР Халқлар дўстлиги ордени билан ҳам тақдирланди. Бу мукофот халқнинг катта меҳнати, коммунистларнинг ташкилотчилиги, илҳомлантирувчи фаолияти, Ватанга садоқат билан қилинаётган хизматининг ифодаси. Советлар мамлакатини халқларнинг бузилимас қардошларча иттифоқини мустақимлашга, муштарак коммунистик ишмигага Совет Ўзбекистони қўлаётган хизмат муюносиб эътироф этилганлигининг ифодаси бўлди. Суратда: КПСС Марказий Комитетининг Бош с. А. Абалин фотопрепродукцияси.

ЯШНАГАН ЎЛКА

«Аврора» залидан уйғониб жаҳон,
Октябрь қуёши балқиган маҳал,
Севимли дийрим, хур Ўзбекистон,
Кўсинида ёқиди абадий машъал.

Буюк оилда тенг-қур, қадрдон,
Партия ясагил ҳаёбахш ёғду.
Нур билан ярқираб буюк ҳар томон,
Асрлар халқ ун қилганди орзу.

Фарҳод эртақлари элнинг ёдида,
Чулларин ясагил булган муаммо,
Чаманлар яратди хомуш водиа,
Декретга қўл қўйиб Ленин раҳнамо.

Ешлик баҳордай гулганди ҳаёт,
Қанот ёзди элда янги бег, гулшан,
Қалбларда жўш урар юксалиш, ижод,
Қалблар дер: қундан-қун ашнасини Ватан.

Тонгдаги ёйилган нур каби ашнаб,
Уфққа бош қўйган пахта майдони,
Ўзар дарёларни мангу тизгиллаб
Рўёбга чиқмоқда элим армони.

Авлодлар иқболи қуёндай равшан,
Нурли фан чўққисини эгаллар ҳар кун,
Ватан меҳри билан бахтли ҳар фарзанд,
Камол топиб ишлар она эл учун.

Жўшқин юракларда қўшиқ янграйди,
Эл сўзлар қувончли, бахтли ҳастини,
Ботирлар юксалиш мадҳини қўлайди,
Истиқбол сари кенг ёзиб қанотини.

Дийрим, қалбимдан қўлайман сени,
Москва, Кремль сенга меҳрибон,
Сен Шарқда машъалсан, Совет гулшани,
Яшнаибер гуркираб, хур Ўзбекистон.

НАЗАРМАТ.

«СОЮЗ-15» ПАРВОЗДА

Учинини бошқариш маркази, 27
август. (ТАСС). «Союз-15» кос-
мик кемаси Москва вақти билан
соат 17 гача ер атрофини 12
марта айланиб чиқди.

Бугун эрталаб ҳаракат траек-
торияси тўғриланигандан кейин
«Союз-15» кемаси орбитасининг
параметрлари қуйидагича бўлди:
— Ер юзасидан максимал узоқ-

лашуви (апогейида) — 275 кило-
метр;

— Ер юзасидан минимал узоқ-

лашуви (перигейида) — 254 кило-
метр;

— Айланмиш даври — 89,6
минут;

— Орбитанинг оғиши — 51,6
градус.

Соат 7 дан соат 15 гача, яъни
«Союз-15» космик кемаси Совет

Иттифоқи территориясидан радио
орқали қўрилиш зонасидан таш-
қарида бўлган чоғида космонавт-
лар қолдилар.

Геннадий Васильевич Сарафа-
нов радио алоқасининг наватда-
ги сессияда экипаж учининг
белгиланган программасини бажар-
ётганини, космонавтар ўзлари-
ни яхши ҳис этаётганини маълум

қилди.



